

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини  
«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид**

**ХУДУДИЙ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ**

**2018 йил I чорак бўйича**

T/p	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
<b>I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш</b>						
2.	Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашиш борасидаги фаолиятини кучайтириш.	2018 йил 24 февраль	А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари (келишув асосида)	-	<p>Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари ва амалий чора-тадбирларга тақлиф бериш.</p> <p>Бунда:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси фаолиятини доимий асосда ташкил этиш;</p> <p>Комиссиянинг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш, шу жумладан унинг Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида хисоботини эшлиши амалиётини йўлга кўйиш;</p> <p>халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини намунали асосда йўлга кўйишга кўмаклашиш, бунда улар фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришда худудлардаги вазиятни ижобий</p>	<p>Муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорларнинг бажарилиши юзасидан вилоят ҳокимлиги, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, прокурорлар ва ички ишлар бўлимларининг ҳисоботлари туман Кенгашларининг сессияларида эшлилиб борилмоқда. Сессияларда ҳисоботлар эшлилиш жараёнларида жамоатчилик назоратидан унумли фойдаланиш тизимини шакллантириш юзасидан тақлифлар олинмоқда.</p> <p>Давлат хизмати кўрсатиш тизимини қайта кўриб чиқиб, тартибтаомилларини оптималлаштириш ва соддалаштириш, куйи бўғинларга ўtkазиш бўйича сессия ва йиғилишларда депутатлардан тақлифлар олиниб, умумлаштирилиб Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш чоралари кўрилмоқда.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
					томунга ўзгартыриш, бюджет ижросини түлиқ таъминлаш, жиноятчиликни камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш каби мезонларга асосланиш назарда тутилади.	

### 1.2. Давлат бошқаруви тизими니 ислоҳ қилиши

6.	Туман (шаҳар)лардаги Давлат хизматлари марказлари – “Халқ қабулхоналари”нинг замонавий биноларини қуриш ва моддий-техника таъминотини мустаҳкамлашга таклиф бериш.	2018 йил 1 февраль	А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят худудий бошқармаси, Адлия бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Шаҳар ва туманлар ҳокимларни	-	<p><b>Норматив-хуқуқий хужжат лойихасига таклифлар тайёрлаш.</b></p> <p>Лойиха билан тасдиқланадиган 2018-2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига таклифлар тайёрлаш. Дастурда давлат-хусусий шериклик шартларida тасдиқланган намунавий лойихаларга асосан туман ва шаҳарларда давлат хизматлари марказлари - Халқ қабулхоналарининг янги бинолари қурилади. Бунда она ва бола хоналари, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳит, автомобиль тўхташ жойлари, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш бурчакларини ташкил этиш бўйича таклиф берилади.</p>	<p>Вилоятнинг Нуробод ва Каттакўргон туман давлат хизматлари марказлари туман Халқ қабулхоналари биноларига жойлаштирилди.</p> <p>Шунингдек, вилоят ҳокимлиги томонидан Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоят Халқ қабулхонаси биносининг 2-қаватидан жой ажратилди ва ҳозирги кунда бинони таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2017 йил 25 декабрдаги 04-2478-сонли хати ва вилоят ҳокимининг 2018 йил 9 февралдаги 01/2-243-сонли хатида давлат хизматлари марказининг маъмурий биноси учун туман (шаҳар) марказларининг аҳоли ва тадбиркорларга қулай бўлган марказий қисмидан ер майдони ажратиш масаласини ҳал қилишда туман (шаҳар) ҳокимлари масъул эканлиги белгиланган.</p> <p>Шунга асосан ҳозирга қадар давлат хизмати марказига замонавий бино қурилиши учун ер ажратиш тўғрисида</p>
----	--	--------------------	--	---	--	--

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
						Пахтачи туман ҳокимлиги томонидан ермайдони ажратилди.
7.	Инновацион технологияларни кўллаш давлат хизматлари кўрсатишнинг юқори сифати, тезкорлиги, очиқлигини таъминлаш, аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш.	2018 йил 1 март	Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Б.Сайдалиев, вилоят ҳокимининг ўринбосари котибияти мудири, Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят худудий бошқармаси, Ахборот технологиилари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги вилоят худудий бошқармаси, Адлия бошқармаси, Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари	-	<p><b>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасига ҳамда лойиҳа билан тасдиқланадиган чора-тадбирлар дастурига таклифлар тайёрлаш.</b></p> <p>Таклифда:</p> <p>давлат хизматлари марказларини инфокиосклар билан таъминлаш, уларда электрон навбат тизими ва масофадан туриб видеокузатув тизимини жорий этишни;</p> <p>давлат хизматларини алоқа воситаларидағи мобил иловалар орқали кўрсатиш имкониятини яратиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали воситаларини амалга киритишни; олис худудларда яшовчи аҳолига мобиль давлат хизматлари марказлари (махсус автотранспорт воситалари) орқали давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини жорий этишни назарда тутиш.</p>	<p>Вилоятдаги барча туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари инфокиоскалар билан таъминланган. Ушбу инфокиоскалар ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланган ва фуқаролар ягона порталда жорий қилинган давлат хизматларидан фойдаланишлари учун шайхолатга келтирилган.</p> <p>Давлат хизматлари марказларида электрон навбат тизими ва давлат хизматлари кўрсатилишини масофадан туриб видеокузатув орқали мониторинг қилиш тизимини жорий этиш устида ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>Вилоят ҳокимлиги томонидан туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари 16 та дамас русумли автомашиналар билан таъминланиши, олис худудларда яшовчи аҳолига мобиль давлат хизматлари маркази орқали сайёр давлат хизматлари кўрсатиш имконини бермоқда.</p> <p>Соҳада инновацион технологияларни кўллаш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг юқори сифатини ва тезкорлиги ошириш ҳамда фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида айrim турдаги давлат хизматларига бериладиган аризани электрон рақамли имзо ўрнига мурожаатчининг бармоқ изи орқали тасдиқлаш тизимини жорий қилиш таклифи ишлаб чиқилмоқда.</p>

### 1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини таомиллаштириш

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
12.	Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишини назарда тутувчи «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиш.	2018 йил 23 март	А.Курахмедов Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи раҳбари, Xalq депутатлари вилоят Кенгashi, Fuқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгashi, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими	-	<p><b>Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига таклиф берниш.</b></p> <p>Лойиҳада давлат органларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигини ошириш, улар томонидан инсон хукуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этиш, фуқароларнинг мурожаатларини, уларда кўтарилиган муаммоларни жойида хал этишда давлат органлари раҳбарлари томонидан қай даражада муносабат билдирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш назарда тутилади.</p>	<p>“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси-нинг Қонуни жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртингчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиб, сенаторлар томонидан маъқулланди.</p>

## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва тақомиллаштириши

16.	Терговга қадар текширув, суриштирув ва терговнинг ҳар томонлама ҳамда холисона юритилишини, муайян ишлар юзасидан қарорлар қабул қилишда	2018 йил 25 март	М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, вилоят Прокуратураси, вилоят Судлари,	-	<p><b>Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига тақлифлар киритиши.</b></p> <p>Бунда: терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ёки суд фаолиятига ҳар қандай</p>	<p>ИИВга ЖКнинг 236 ва 240-моддаларига тегишли тартибда тақлифлар берилган.</p>
-----	--	------------------	--	---	---	---

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
	судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган қўшимча хуқуқий чоралар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш.		вилоят ИИБ, вилоят Адлия бошқармаси		кўринишида, турли хил тарзда аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ҳамда бундай қилмишлар учун жазо чораларини кучайтириш назарда тутилади.	

## 2.2. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш

18.	Фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида паспорт тизими қоидаларини соддалаштириш юзасидан ишлаб чиқилиши белгиланган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларига таклифлар тайёрлаш ва белгиланган тартибда киритиши.	2018 йил 10 март	М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят Прокуратураси, вилоят ИИБ, Бандлик Бош бошқармаси	–	<p><b>Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларига таклифлар киритиши.</b></p> <p>Таклифларда:</p> <p>мавсумий ишларга жалб қилинганларни вактингчалик рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш, улар учун уй-жой ижараси, уй-жойдан текин фойдаланиш битимини тузиш талабини бекор қилиш;</p> <p>фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйганлик учун жавобгарликни енгиллаштириш;</p> <p>паспорт олиш, таълим олиш, меҳнат қилиш ва бошка конституциявий хуқуқларни амалга оширишда прописка билан боғлиқ чекловларни бартараф қилиш назарда тутилади.</p>	<p>Уй-жойга эгалик қилиш хуқукини бекор қилиш, вақтингчалик прописка асосида паспорт олиш, вилоятларда вактингчалик рўйхатга қўйиш тартибини жорий этиш, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларини замонавий бино ва техника воситалари билан жихозлаш ҳамда фуқароларнинг биометрик ва биографик маълумотларини киритиши учун компьютерлар сонини кўпайтириш ва Ургут тумани ИИБ МваФРБга қўшимча штат бирлигини ажратиш бўйича ИИВ таклифлар юборилган.</p>
-----	--	------------------	--	---	---	--

## 2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчиликни тақомиллаштириш

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
25.	«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунинг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш.	2018 йил 10 февраль	М.Омонов вилоят ҳокимлиги юридик хизмати, А.Курахмедов Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	-	<p><b>Худудий Комплекс чоратадбирлар режаси.</b></p> <p>Режада «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Конуннинг 2019 йилдан эътиборан кучга киришини инобатта олган ҳолда:</p> <p>Вилоят бошқарма ва ташкилотлари ходимлари қонун талабларини тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш;</p> <p>Вилоят бошқарма ва ташкилотлари маъмурий-хукукий фаолиятини қайта кўриб чиқиш тадбирлари назарда тутилади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 10 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сон Конуни ижросини таъминлаш ҳақида”ги буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиниб, шунга асосан жорий йилнинг 16 январь куни Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлигининг 12-ум-сонли буйруғи қабул қилинди.</p> <p>Бундан ташқари жорий йилнинг 15 март куни Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” ЎРҚ-457-сон Конуни мазмун моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига тушунтириш бўйича тегишли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қўшма тарғибот режаси ишлаб чиқилиб, ижро учун тегишли масъулларга етказилди.</p>

## 2.6. Хукукий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиши тизимини такомиллаштириш

34.	Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиши, жамиятда юксак хукукий маданиятни, қонун ва инсон хукуқларига хурмат муносабатини шакллантириш бўйича чоратадбирларнинг	2018 йил 10 февраль	М.Омонов Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати раҳбари, Вилоят прокуратураси, Вилоят адлия бошқармаси, Вилоят телерадиокомпанияси	-	<p><b>Идоравий хужжат лойиҳаси.</b></p> <p><b>Лойиҳа билан чоратадбирлар дастури тасдиқланиди.</b></p> <p>Дастурда:</p> <p>амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун хужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиши бўйича телевиденияларда ва кўчалардаги маниторларда реклама тарзидаги видео-роликлар яратиб, эфирга узатиб бориш; хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамиятда юксак хукукий</p>	<p>Амалга оширилаётган чоратадбирларнинг янада самарадорлигини ошириш мақсадида:</p> <p>ислоҳотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун хужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиши бўйича телевиденияларда ва кўчалардаги маниторларда реклама тарзидаги видео-роликлар яратиб, эфирга узатиб бориш; хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамиятда юксак хукукий</p>
-----	---	---------------------	--	---	---	--

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
	самарадорлигини ошириш.		вилоят Ўрта маҳсус касб-хунар таълим бошқармаси, вилоят Халқ таълими бошқармаси, вилоят ИИБ, вилоят бошқарма ва ташкилотлари		жамоатчиликка етказиш; ҳукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамиятда юксак ҳукукий маданиятни, конун ва инсон ҳукукларига ҳурмат муносабатини шакллантириш; фуқароларда юз берәётган, айниқса жамоатчиликнинг юкори қизиқишини уйготган воқеаларнинг моҳияти бўйича холис фикрни шакллантириш ҳамда нотўғри маълумотлардан бузғунчи ва бошқа гайриқонуний мақсадларда фойдаланиш имкониятини бартараф этиш учун ахолини бундай ҳодисалар ҳақида ўз вақтида ҳабардор қилиш; фуқароларнинг ижтимоий-ҳукукий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият қурилишининг долзарб вазифаларини ҳал этишга жамиятнинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятини сафарбар этиш масалалари назарда тутилади.	маданиятни, конун ва инсон ҳукукларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича, agar бирон бир ҲМҚО ходими томонидан ҳукуқбузарлик содир этилган тақдирда, уни тегишила тартибда жавобгарликка тортиб, ОАВларга хабар берib бориш; ҳодисалар ҳақида ўз ахолини вақтида ҳабардор қилиб борилиши учун, ҳар бир давлат ҳокимияти бошқарув органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолаб бориш рейтингини ишлаб чиқиб, унда ўз фаолиятини ОАВларida ёритиб бориш; фуқароларнинг ижтимоий-ҳукукий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият қурилишининг долзарб вазифаларини ҳал этишга жамиятнинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятини сафарбар этиш масалалари назарда тутилади.

### III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### 3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиши

38.	2018 йилда мамлакат ички бозорида истеъмол товарлари ва хизматлар бўйича нархларнинг кескин ошишини олдини олиш мақсадида	2018 йил 1 март	Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Марказий банк вилоят Бош	-	Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нархнавони мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси қарорига	Самарқанд шаҳар ва Ургут туманинг йирик дехқон, буюм ва қурилиш моллари бозорларида, супермаркетларда, ахоли гавжум жойда жойлашган дорихоналарда, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиши
-----	---	-----------------	---	---	--	---

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
	Марказий вилоят Банкнинг бош бошқармасида ташкил этилган Статистика бўлими томонидан таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва Республика Марказий Банкига тақдим этиб бориш.		бошқармаси, тижорат банклари.		<p><b>таклиф тайёрлаш.</b></p> <p>Таклиф:</p> <p>ички истеъмол бозорига асосий озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларининг узлусиз етказиб берилишини таъминлаш;</p> <p>истеъмол товарлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган тақчилликни олдиндан аниқлаш ва бу бўйича тегишли чораларни кўриш;</p> <p>асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш;</p> <p>кишлок хўжалик экин майдонларидан (асосий, оралиқ, такорий) самарали фойдаланиш; мамлакат ички бозорида ракобат мухитини жонлантириб бориш ва сунъий равишда яратилиши мумкин бўлган тақчилликларнинг олдини олиш назарда тутилади.</p>	<p>шахобчаларида 120 та товар ва 15 та хизматлар бўйича ҳар хафтада нархлар ўрганиб борилди.</p> <p>Товарларнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилиб, солиштирма нарх (тариф)ларнинг ўртача қиймати ҳисоблаб борилди. Тайёрланган маълумот ва ҳисбот, тегишли таклифлар билан Республика Марказий банки Пул-кредит сиёсати департаментига ҳафтанинг ҳар жума куни тақдим этиб борилди.</p> <p>Ҳар ойда вилоятда яшовчи 50 та жисмоний шахслар ва 20 та юридик шахслардан сўровлар ўтказилиб, ушбу сўровномалар ҳам Республика Марказий банкка тақдим этилиб борилмоқда.</p>

### 3.2. Солиқ юкини камайтириш ва солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом этитириш, божхона маъмуриятчилигини тақомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш

45.	“Ургут” ЭИЗ иштирокчи-ларига қулайлик яратиш мақсадида, Ургут туманида “Самарқанд” ТИФ постининг “Ургут” божхона пунктини ташкил этиш.	2018 йил февраль-март ойлари	Ш.Худайбердиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Вилоят божхона бошқармаси	Ҳисоб-китобларга асосан	<p>Кулай маъмурий бинони танлаш, уни жихозлаш, оптик толали кабель орқали Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига уланиш чораларини кўриш.</p> <p>ЭИЗ қатнашчилари томонидан божхонага мурожаат этилганда, божхона расмийлаштируви</p>	<p>“Ургут” ЭИЗ иштирокчиларига кулайлик яратиш мақсадида, Ургут тумани Қоратепа кўчаси 37-йда вилоят божхона бошқармасининг “Самарқанд” ТИФ божхона постига қарашли “Ургут” божхона пункти ташкил этилиб, штат бирлиги 3 нафар ходим этиб белгиланган.</p> <p>“Ургут” ЭИЗ иштирокчиларининг божхона имтиёзлари тўғрисида хабардорлигини ошириш борасида</p>
-----	--	------------------------------	--	-------------------------	--	---

T/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
					тезкорлик билан амалга оширилади.	<p>божхона тўловларидан имтиёзларни назарда тутувчи меъёрий хужжатлар божхона пунктида ташкил этилган пештахталарга жойлаштирилган ҳамда пункт ходимлари томонидан божхона расмийлаштируви тезкорлик билан амалга оширилиб келинмоқда.</p> <p>“Ургут” ЭИЗга масъул божхона ходимлари зона бўйича тузилган ишчи гурухларда иштирок этиб, божхона идораларига оид масалаларни ўз вақтида тезкорлик билан сансалорликка йўл қўймасдан, бошқарма раҳбарияти билан келишилган ҳолда ҳал қилиб борилмоқда.</p> <p>Шунингдек, “Ургут Пром Зона” МЧЖ томонидан худудда зона иштирокчилари учун божхона омбори фаолияти йўлга қўйилган.</p>
<b>3.5. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқенини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш</b>						
60.	Миллий стандартларнинг ҳалқаро стандартлар билан уйғунлашуви жараёнини жадаллаштириш.	2018 йил 1 март	Ш.Худайбердиев Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Самарқанд стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, “Самарқанд синов ва сертификатлаштири ш маркази” ДК, вилоят ташкилот ва	-	“Ўзстандарт” агентлиги томонидан ишлаб чиқарилган чора-дастур асосида, Самарқанд вилоятидаги корхона ва ташкилотларга ҳалқаро стандартлар жорий этиш ишларини жадаллаштириш. Дастурда: экспортни ва туризмни ривожлантириш мақсадида макбул агрокультура амалиёти (Global G.A.P.), «ҳалол» ва	“Ўзстандарт” агентлигининг 2018 йил 4 январдаги 05-915-сонли қарори билан O'zDSt 3286:2018 Ҳалол озиқовқат маҳсулотлари бўйича умумий кўлланма давлат стандарти қабул қилинди. Самарқанд стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан хозирги кунгача 466 та корхонага 416 тур маҳсулот учун ҳалқаро стандартлар жорий қилинган. “Ўзстандарт” агентлигининг 2017 йил 7 ноябрдаги XC-8-сонли,

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
			идоралари		«кошер» стандартларни республикада қабул қилиш; республикада экспорт қилувчи корхоналар эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда 2018 — 2020 йилларда 1,5 мингдан ортиқ халқаро стандартларни қабул қилиш; ташки бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни олиб чиқиши мақсадида йил давомида 2 мингдан ортиқ корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш назарда тутилади.	1 декабрдаги ХС-10, ХС-11-сонли, 5 декабрдаги ХС-12-сонли қарорлари билан 2018 йил 1 январдан мамлакатимизда жорий қилинган 93 та БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг ҳалқаро стандартлари ва Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ФАО/ВОЗ) “Кодекс Алиментариус” стандартларини тарғиб қилиш бўйича вилоятдаги мева-сабзавот ишлаб чиқарувчи ва экспортёр корхоналарга халқаро стандартларни илова қилган ҳолда 2018 йил 8 январ кунидан 01-16 сонли маълумот хати чиқарилиб, 40 дан ортиқ мева-сабзавот ишлаб чиқарувчи корхоналар ушбу стандартлар билан таъминланди. 2018 йил 9 февралда Самарқанд ССМДК биносида экспортни ривожлантириш мақсадида мақбул агрокультура амалиёти (Global G.A.P.), «ҳалол» ва органик сертификатлаштириш масалалари бўйича вилоятдаги фермер хўжаликлари раҳбарлари иштироқида семинар ўтказилди.

#### IV. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

##### 4.2. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш

72.	Тиббиёт соҳасига хорижий мутахассисларни ва чет	2018 йил 1 апрель	А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари,	-	Чора-тадбирлар режаси. Режада хорижий мутахассисларнинг аниқ сони,	Россия давлатидан жами 12 нафар мутахассислар келган, шунингдек, АҚШ давлатидан 2 нафар, Ҳиндистон
-----	---	-------------------	--	---	---	--

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
	эл инвестициясини жалб этиш.		Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, ТИВ вилоятдаги вакили, вилоят ИИБ		уларни тиббиёт соҳасига босқичма-босқич, жумладан узок муддат фаолият юритишга жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида хусусий даволаш-профилактика муассасалари ва илфор хорижий тиббиёт муассасалари филиалларини ташкил этиш белгиланади.	давлатидан 3 нафар, Туркия давлатидан 1 нафар, Германия давлатидан 1 нафар, Жанубий Корея давлатидан 2 нафар, Озарбайжон давлатидан 7 нафар, Польша давлатидан 1 нафар ҳамда Украина давлатидан 2 нафар тиббиёт мутахассислари вилоят тиббиёт муассасаларига ташриф буюрган.

#### 4.3. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш

96.	Ёшларни касбга тайёрлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлиб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини ишлаб чиқиши таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси	2018 йил 20 март	А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Халқ таълими бошқармаси, Ўрта махсус, Касб-хунар таълими бошқармаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бошқармаси, Бандлик бош бошқармаси	-	<b>Идоравий норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар.</b> Бунда: умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига бериладиган касблар бўйича замонавий малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; ўқув-ишлиб чиқариш мажмуалари ташкил этилган 489 та синflарни жихозлаш назарда тутилади.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги (2018 йил 29 мартағи 16-сон) ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг (2018 йил 29 мартағи 5-сон) “Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлиб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма карори қабул қилинди. Ўқув-ишлиб чиқариш мажмуалари ташкил этилган синflарни касблар кесимида жихозлаш доирасида 3 йиллик манзилли дастур ишлиб чиқилиб 2018/2020 йиллар давомида 24 та касб бўйича жами 198 та синf хоналар жихозланади. Жумладан; 2018 йилда 58 та мактабда 66 та синf; 2019 йилда 58 та мактабда 66 та синf; 2020 йилда 58 та мактабда 66 та синf хоналари жихозланishi бўйича манзилли
-----	---	------------------	--	---	---	---

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
						дастурлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этилди.
98.	Республикадаги 43 та умумий ўрта таълим мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мактабларни мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш.	2018 йил 1 март	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ў.Абдуллаев, А.Умаров), Халқ таълими бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси	60,8 млрд сўм	<b>Вилоят ҳокимининг қарори.</b> Қарорда: Лойиҳа билан манзилли дастур тасдиқланиб, курилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.	Вилоядта 70 та мактабларни моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мактабларни мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш мақсадида манзилли дастур ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим қилинган.
<b>4.4. Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ахолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш</b>						
101	Ахоли, айниқса, ёш оиласлар, эски уйларда яшовчилар ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжи муттасил ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб, арzon ва сифатли уй-жойлар куриш кўламини кенгайтириш.	2018 йил 1 апрель	Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Архитектура ва курилиш бош бошқармаси, «Кишлоқ курилиш инвест» ИК, «Кишлоқ курилиш лойиҳа» МЧЖ, «Самарқанд электр тармоқлари» АЖ, “Самарқандзаз” худудий газ	Ҳисоб-китобларга кўра	<b>Чора-тадбирлар режаси.</b> Режада йил давомида: илгор стандартларни ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ахоли пунктларининг бош режалари, архитектура-курилиш хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг таркибий тузилишининг замонавий усусларини қўллаш; 2018 йилда арzon уй-жойлар куриш кўламини 1,5 — 2 баравар кўпайтириш, жумладан, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оиласлар учун 70 та уй ва кўп қаватли уйларда жойлашган 1524 та хонадон, ҳарбий хизматчилар	2018 йилда Самарқанд шаҳрида 32 та 1344 хонадонли кўп қаватли арzon уй-жойлар ҳамда қашлоқ туманларда намунавий лойиҳалар асосида 2349 та арzon уй-жойлар курилиши бошланди. Натижада 3693 та кам таъминланган оиласлар уй-жойлар билан таъминланади. Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиги тизимидағи ҳарбийлар учун 180 та, ИИВ ходимларига 90 та, Миллий гвардия ходимларига 30 та, ФВВ ходимларига 30 та, профилактика инспекторларига 125 та ҳамда ҳокимият раҳбарлари уйлари 84 та жами бўлиб 209 та намунавий лойиҳалар асосида уйлар курилмоқда.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
			таъминот корхонаси, «Ўзбектелеком» АҚ вилоят филиали, тижорат банклари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари		учун 5 та кўп қаватли уй, профилактика инспекторлари учун 125 та уй ва ҳудуд раҳбарлари учун 84 та уй куриш назарда тутилади.	Бугунги кунда барча йўналишлар бўйича уйлар қурилмоқда.
103 .	Халқаро молия институтлари иштирокида 2018 йилда Самарқанд шаҳрида ичимлик ва оқова сув тизимини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 1 та йирик лойиҳани амалга ошириш.	2018 йил 1 апрель	Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Инвестициялар бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги	49,3 млн АҚШ доллари	<b>Манзилли дастур.</b> Дастурда йил давомида: Самарқанд шаҳрида аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлаш чораларини кўриш; 34,9 км. канализация тармоги, 1 та сув тарқатиш иншооти ва 3 та насос станциясини қуриш назарда тутилади.	Манзилли дастурга асосан 2018 йил 1-чоракда 30 км масофада оқова тармоқлари қурилди (режага нисбатан 85,9%) ҳамда 1 та тозалаш сув иншооти реконструкция қилинди. Колган канализация тармоқларини ва 3 та насос станциясини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
104.	Худудлардаги 39 та аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларини яхшилаш мақсадида 170,6 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 31 та ичимлик суви иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш.	2018 йил 1 апрель	Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Лойиха институтлари, Иқтисодиёт бошқармаси, шахарлар ва туманлар ҳокимликлари	31,4 млрд.сум	<b>Манзилли дастур.</b> Дастурда йил давомида: аҳоли пунктларида 170,6 км. ичимлик сув тармоқлари ҳамда 31 та сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш; қишлоқ жойлардаги арzon намунавий уйлар ва шаҳарлардаги арzon кўп қаватли уйлар массивларига 72 км. ичимлик суви тармоқларини қуриш; аҳоли пунктларида 22,2 км. оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилади.	Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилган. Қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.
105.	Маҳаллий қозонхоналарни реконструкция қилиш ва қуриш, кўп қаватли уйларга индивидуал икки контурли қозонлар ўрнатиш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2018 йил 1 апрель	Ў.Абдуллаев вилоят ҳокимининг ўринбосари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, шахарлар ва туманлар ҳокимликлари	10,8 млн.сўм 992,3 млн.сўм 7,0 млрд.сўм	<b>Чора-тадбирлар режаси.</b> Режада йил давомида: 1 та (РК-1) марказий қозонхонада (93 та кўп қаватли уй-жойлардаги 4601 та хонадонни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминловчи)ги 5 дона қозонларни модернизация қилиш. 4 та маҳаллий қозонхоналарда (Кожевкийная (У.Жўрақулов), Лахутий, Ўзбекистон, Дивизонная)ги 8 та қозонларни модеринизация ва реконструкция қилиш. Самарқанд шаҳрида 39 та уй-жойлардаги 1742 та хонадонни	Техник иқтисодий асос (ТЭО) ҳамда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Самарқанд шаҳар Спитамен кўчаси 64-ўйда (10, 17 хоналар) ва Жомбой тумани Навоий маҳалласи Бахористон кўчаси 58 уйда (17 хона) иссиқлик билан таъминловчи замонавий индивидуал икки контурли қозонлар ўрнатилди. Ишлар давом эттирилмоқда.

T/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
					иссиқлик билан таъминловчи замонавий индивидуал икки контурли қозонлар ўрнатиш.	

#### 4.5. Маданият ва спорт соҳасини янада ривожлантириш

118 .	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий сектор ва тадбиркорликни ривожлантириш, спорт муассасалари, айниқса, хусусий спорт ташкилотларида ахолига сифатли жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт хизматлари кўрсатилишини таъминлашга оид чоратадбирларни ишлаб чиқиши.	2018 йил 10 март	А.Умаров вилоят ҳокимининг ўринбосари, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бош бошқармаси, Иқтисодиёт бош бошқармаси, Давлат рақобат бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, шахарлар ва туманлар ҳокимликлари	-	<p><b>Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси.</b></p> <p>Лойиҳада:</p> <p>жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш; спорт иншоотларининг намунавий штат бирликларини ишлаб чиқиш;</p> <p>спорт иншоотларининг ижара ҳакини белгилаш тартиби; жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида хизмат кўрсатишни, шу жумладан ахолининг айrim тоифаларига имтиёзли равища хизмат кўрсатиш назарда тутилади.</p>	<p>Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 22 январдаги 13/3-32-сон билан қайд этилган баёнига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3437-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятинин барча шаҳар ва туманларининг 2019-2029 йилларга мўлжалланган ривожлантириш концепцияси, уч йиллик лойиҳалар портфели ва бир йиллик лойиҳалари ишлаб чиқилди.</p> <p>Ушбу намунавий лойиҳалар асосида худудларда 2019-2029 йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш концепцияси шакллантирилди. Бунда асосан ахоли гавжум жойларда, маҳаллаларда сунъий қопламали мини футбол майдонлари, тренажёр (фитнес клублар)лар қуриш қамраб олинди.</p>
-------	--	------------------	--	---	--	--

#### V. ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

##### 5.2. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

127 .	Маҳаллий маҳсулотлар экспорт	2018 йил 20 март	О.Бабаев Вилоят ҳокимининг	-	Маҳаллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини оширишга,	2018 йилда вилояти комплекс ривожлантириш Дастури доирасида
-------	------------------------------	------------------	----------------------------	---	--	---

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
	<p>ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, вилоятнинг инвестицион ва туристик жозибадорлигини ошириш бўйича Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатли элчихоналари билан ҳамкорликни таъминлаш. бунда:</p> <p>қиймати 346,2 млн. долларлик 50 та хорижий сармоя иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш;</p> <p>Самарқанд вилоятининг инвестиция салоҳияти тўғрисида презинтацион материаллар тайёрлаб, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатли элчихоналарига юбориш; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатли</p>		<p>ўринбосари, вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси,</p> <p>Инвестициялар бўйича бошқарма, Ташқи савдо вазирлиги вилоят вакиллиги,</p> <p>Туризмни ривожлантириш бошқармаси</p>		<p>инвестициялар ҳамда туристларни мамлакатимизга жалб илишга қўмаклашишни элчилар фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаш.</p>	<p>умумий қиймати <b>387,9</b> млн. доллар микдорида хорижий инвестициялар иштирокидаги <b>65</b> та лойиҳалар белгиланган бўлиб, шундан <b>255</b> млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида <b>4281</b> та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.</p> <p>Ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликларига 2018 йилдан бошлаб, ҳар ойда камиде 1 млн. АҚШ доллари микдорида инвестициялар олиб келиш топширифи юклатилган. Жорий йилнинг январ-март ойлари давомида 9,4 млн.доллар қийматдаги хорижий инвестиция жалб қилинди.</p> <p>Республикамизнинг чет элдаги элчихоналари билан биргаликда амалий ишлар олиб бориш йўлга қўйилган.</p> <p>2018 йил январ ойида чет эл иштирокида ҳамкорлик қилаётган хўжаликлар учун, шунингдек вилоятнинг инвестицион муҳитини кўрсатиш мақсадида 15 дан ортиқ хорижий давлатлардаги элчиларга хатлар юборилди (15.01.18й №13/1-43).</p> <p>Шунингдек, хорижий мамлакатлар билан тузилган йўл хариталарига мувофиқ ишлар амалга оширилиб келинмоқда.</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажарыш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Амалда бажарилган ишлар
	элчихоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлаш.					2018 йил январь ойида Греция давлати элчихонаси вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада электротехника, қурилиш саноати, фармацевтика ва электротехника соҳалари бўйича келишувларга эришилди. Шунингдек, “Ургут” ЭИЗ фаолиятини ривожлантириш, тўқимачилик саноати учун техник асбоб-ускуналари ва жихозлари ишлаб чиқарувчи юқори тажрибали корхоналари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва бу корхоналар фаолиятини тадбиқ этиш мақсадида Евropa давлатлари, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия давлатлари инвесторлари билан маҳаллий тадбиркорларимизнинг учрашувларини ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳи таркиби лойихаси ишлаб чиқилди.